БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 232 (4438).

26 НОЯБРЬ ЖУМА 1971 йил

Баҳоси 2 тийин.

Кеча Москвада саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.



Москва. 1971 йил, 24 ноябрь. Катта Кремль саройи, СССР Олий Совети учинчи сессияси президиумида. Мизбарда — СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин.

В. Бородин фотоси.

УЛУҒВОР БУНЁДКОРЛИК ПРОГРАММАСИ

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

Кремлда СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Депутатлар мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг янги улуғвор программасини зўр манфаатдорлик ва масъулият туйғуси, ишчанлик билан муҳокама қилмоқдалар. 1971—1975 йилги беш йиллик план, 1972 йилги план ва бюджет лойиҳаларида ватанимиз экономикаси ва маданиятини кучли равишда юксалтириш, меҳнаткашлар фаровонлигини анча ошириш юзасидан КПСС XXIV съезди белгилаб берган улуғвор вазифалар ифодаланган. Депутатлар коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, умумхалқ социалистик мусобақаси кенг қулоч ёзганлиги тўғрисида, тўққизинчи беш йиллликнинг биринчи йили топшириқларини бажариш учун бошланган курашдаги муваффақиятлар ҳақида гапирмоқдалар. Ишлаб чиқариш резервларидан, яхшироқ фойдаланиш, фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш, жамиятимизни коммунизм йўлидан олга силжитиш юзасидан белгиланган планларни тезроқ амалга ошириш борасида конкрет таклифлар киритмоқдалар.

Миллатлар советининг 24 ноябрь кечқурунги мажлиси СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида ўтди. Мажлис ишида қизғин қарсаклар билан кутиб олинган **А. Н. Косигин, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Пономарев** ўртоқлар иштирок этдилар.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги давлат беш йиллик плани, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани, СССРнинг 1972 йилги давлат бюджети ва СССРнинг 1970 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисобот тўғрисидаги масалалар юзасидан Миллатлар Совети планбюджет комиссиясининг раиси депутат **К. М. Герасимов** план-бюджет ва тармоқ комиссиялари номидан қўшимча доклад қилди. У комиссиялар номидан СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги давлат беш йиллик планининг сессия муҳокамасига тақдим этилган лойиҳасини маъқуллашни таклиф қилди. Бу план КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига ҳисобот докладида, съезд резолюцияси ва директиваларида баён этилган фикрларга мувофиқ равишда ишлаб чиқиларганлигини айтди. Бу планда, деб таъкидлади ўртоқ, ҳамма иттифоқдош республикаларнинг халқ хўжалигини ҳар томонлама ва уйғун равишда ривожлантиришдан иборат ленинча миллий сиёсат ўз ифодасини топган.

План-бюджет ва тармоқ комиссиялари Миллатлар Советининг ёшларга доир ишлар билан шуғулланувчи комиссияси ва табиатни муҳофаза қилиш комиссияси иштирокида, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, министрликлар ва идораларнинг вакиллари билан биргаликда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат планини ҳам кўриб чиқдилар, уни маққулладилар ва қўшимча равишда маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг турларини кўпайтириш ва айрим моллар қолдиқларини реализацияга чиқариш ҳисобига молларни реализация қилиш планини 117,5 миллион сўм миқдорида кўпайтириш тўғрисида таклиф киритишни мумкин деб топдилар.

1972 йилги бюджет даромадларини 120 миллион сўм миқдорда кўпайтириш тўғрисида ҳам таклиф киритилди.

Комиссиялар иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг қўшимча маблағ ажратиш тўғрисидаги илтимосларини кўриб чиқиб, иттифоқдош республикаларнинг харажат қисмини бир мунча кўпайтиришни мумкин деб ҳисоблайдилар. Район марказларини ва ишчи посёлкаларини ободонлаштиришга, касалхоналар, мактаблар ва бошқа социал-маданий муассасаларга анжомлар ва ускуналар сотиб олиш ҳамда уларни реконструкция қилишга катта маблағ ажратилди.

Иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этиш учун янги беш йилликда капитал қурилишнинг катта программаси белгиланди. Капитал маблағларнинг умумий ҳажми саккизинчи беш йилликдагига нисбатан салкам 42 процент кўпайтирилади. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга бепосита алоқадор бўлган саноат корхоналарини ривожлантиришга сарфлаладиган капитал маблағлар 60 процент кўпайтирилади, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи объектлар қурилишига бериладиган маблағ эса деярли икки баравар кўпайтирилади.

Қишлоқ хўжалигига аввалги беш йилдагига нисбатан капитал маблағ сарфлашни анча кўпайтириш кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва бу тармоқда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш тадбирлари комплекси амалга оширилади.

Шундан кейин докладчи асосий ишлаб чиқариш фондларидан, капитал маблағлардан, меҳнат ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш, маҳсулот сифатини ошириш, саранжомлик ва тежамкорлик билан хўжалик юритиш зарурлиги тўғрисида гапиради.

Беш йиллик топшириқларини бажаришда, деди пировардида К. М. Герасимов, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советлари ва уларнинг ижроия-тасарруф органлари муҳим роль ўйнайдилар, чунки улар хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал этишда катта ваколатларга эгадирлар.

План-бюджет ва тармоқ комиссияларининг қўшимча докладидан кейин кун тартибидаги биринчи, иккинчи ва учинчи моддалари юзасидан музокаралар бошланди.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **А. Н. Аксенов** биринчи бўлиб сўзга чиқди. Янги беш йиллик халқ хўжалик планининг КПСС XXIV съезди директиваларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган. Сиёсий Бюро ва КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган пленуми маъқуллаган ҳамда сессиямиз муҳокамасига тақдим этилган лойиҳаси, шунингдек 1972 йилги план ва бюджет лойиҳалари, деди у, партиямиз, совет халқи ишлари ва режаларининг улуғворлигини намойиш қилади, марксизм-ленинизм ғояларининг енгилмас, ҳаётбахш кучини ифодалайди.

Кўп миллатли Совет Иттифоқи халқларининг ягона қардошлик оиласидаги белорусс халқи коммунистик қурилишнинг катта ва murakkab вазифаларини муваффақиятли равишда ҳал этмоқда. Депутат республика халқ хўжалигини ривожлантиришдаги муваффақиятлар тўғрисида гапириб, бу муваффақиятлар ленинча милий сиёсат тантанасининг, социалистик интернационализм ва совет халқари дўстлиги буюк ишининг ёрқин ва ишонарли тимсоли эканлигини таъкидлади.

Бутун советлар мамлакати каби Белоруссия ҳам тўққизинчи беш йилликни яхши бошлади. Бу йил эришилган натижалар янги беш йиллик топшириқларини Белоруссия меҳнаткашлари муваффақиятли бажаришига бўлган ишончимизни кучайтиради. Лекин биз шуни яхши тушуниб турибмизки, деди сўзини давом эттириб нотиқ, янги беш йилликнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли бажармоқ учун ўтган йилларнинг якунларини чуқур анализ қилиш, амалий фаолият натижаларига танқидий назар билан қараш, партия ва давлат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш керак бўлади. Беш йилликнинг биринчи йили якунларига ва шу йилда эришилган натижаларга КПСС XXIV съезднинг юксак талаблари позициясида туриб баҳо бериш ҳозир биз учун айниқса муҳимдир.

Белоруссия партия ташкилотлари ва меҳнаткашлар депутатлари советлари КПСС XXIV съезди директиваларни ва янги беш йиллик топшириқларини бажариш соҳасидаги амалий ишни ташкил этиш пайтида кадрлар билан ишлашни янада яхшилашга, ташаббуссизлик ва консерватизмга, айниқса фан-техника тараққиётининг юксак позицияларида туриб замонавий усулда ишлай олиш маҳорати масалаларида ташаббуссизлик ва консерватизмга қарши курашни кучайтиришга, кадрларнинг билимдонлигини ва иш учун шахсий масъулиятини оширишга бутун эътиборни қаратмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ — ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

РЕАЛ ПРОГРАММА

Шу кеча кундузда ҳаммамизнинг диққат эътиборимиз Ватанимиз юраги — Москвада. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тугатди. Пленум партия Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг «КПСС XXIV съездидан кейин КПСС Марказий Комитетининг халқаро фаолияти тўғрисида» ги докладини тинглади ҳамда Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ташқи сиёсий йўлини якдиллик билан маъқуллаб, қарор қабул қилди.

Мана ҳозир саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини муваффақиятли давом эттирмоқда. СССР Министрлар Совети раиси А. Н. Косигиннинг сессиядаги докладида, шунингдек депутатларнинг нутқларида мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқбол режалари очиқ-ойдин белгилаб берилди. Сессия материаллари партия ва ҳукуматимиз бажарилиши ва келажакдаги режалар ҳақиқатан ҳам халқимиз мўлжаллаган режалар эканлиги бизни қувонтиради.

Биз буни қишлоқ хўжалигига берилаётган кўплаб машиналарда, минерал ўғит ва бошқа ёрдамларда кўриб турибмиз. Бу йил бизнинг колхоз шароитида сув танқислиги жуда ҳам сезилди. Лекин давлат томонидан юборилаётган кучли машиналар ёрдамида ана шу табиий қийинчиликни енгдик ва пахта тўёрлаш юзасидан белгиланган план топшириқларини муваффақиятли ado этдик. Райимберди Йўлдошев, Маҳмуджон Бўтаев, Олимжон Маликов, Тошканбой Темиров каби бригадалар ҳосилдорликни 34-35 центнерга етказдилар.

Биз партия ва ҳукуматимиз белгилаётган тадбирларни амалга ошириш учун бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қилаверамиз.

Ў. ЖУРАЕВ.

Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз раиси.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Биз КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси бўлиб ўтаётган кунларда ҳосилнинг сўнгги граммигача йиғиштириб олиш ва келгуси йил тайёргарлик ишларини кўраётган эдик. Партия Марказий Комитети Пленумида КПСС XXIV съездидан кейин КПСС Марказий Комитетининг халқаро фаолияти тўла-тўкис маъқулланди. Биз пахтакорлар ҳам партиямиз, давлатимиз юргизаётган ташқи ва ички сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз ва маъқуллаймиз.

Колхозимиз аъзолари она-Ватанга бу йил мўлжалдагидан анча кўп пахта етказиб бердилар. Бу билан биз Ватанимиз қудратини янада оширишга ўз ҳиссамизни қўшганлигимиз билан фахрланамиз.

СССР Олий Советининг саккизинчи чақириқ учинчи сессияда давлат бюджетларининг бажарилиши ва келажакдаги

ТИНЧЛИК — ХАЛҚЛАР БАХТИ

ПИСКЕНТ (Ўз мухбиримиздан). Район пахтакорлари КПСС Марказий Комитети Пленумни қарорларини қизғин маъқулламоқдалар.

— Биз партиямизнинг XXIV съезди қарорларини амалга ошириш йўлида курашиб бу йил хўжалигимиздаги барча планларни муваффақиятли бажардик. Пландаги 3120 ўрнига 3782 тонна «оқ олтин» сотдик. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига колхоз бўйича 5,1 центнер кўтарилди. Шунингдек, давлатга пландан ташқари 170 тонна сут етказиб бердик. Чорвачилик фойда келтирадиган соҳага айланди. Давлатга 13 минг дона кўп тухум топширилди. Биз партиямиз раҳбарлигида тинч ва осойишта меҳнат шароитида шундай галабаларга эришмоқдамиз. Олиб борилаётган ташқи сиёсат биз деҳқонларнинг айниқ муддаосидир,— дейди Охунбобоев номли колхоз раиси Ҳожи-қул Алиқулов.

БЕҲАД МИННАТДОРМИЗ

Партия ва ҳукуматимиз халқ фаровонлигини оширишга катта эътибор берянти. Бунинг натижаси кундалик турмушимизда яққол ўз ифодасини топмоқда. Дарҳақиқат, бугунги ҳаётимизни яқин ўтмишдаги давр билан қиёслаб бўлмайди. Халқнинг турмуш даражаси ниҳоятда юксалди. СССР Олий Советининг учинчи сессиясида турли касбдаги ишчи ва хизматчилар моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилганлиги ҳаммани қувонтирмоқда. Жумладан, биз муаллимлар ҳам келгуси йилнинг биринчи сентябридан маошимизнинг ошишини эшитиб, ниҳоятда севиндик. Бу — бизнинг шарафли ва масъулиятли касбимизга бўлган зўр эътибор, партия ва ҳукуматимизнинг юксак ғамхўрлигидир.

С. АБДУАЗИМОВ, М. ҒУЛОМОВА.

Оржоникидзе районидаги Улуғбек номли 37-ўрта мактаб ўқитувчилари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЯНГИ ТАШАББУС КЕНГАЯВЕРСИН

Донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратов лахта териш машинасини мукаммал эгаллаб олиб, пахта йиғим-теримида йил сайин юксак унумдорликка эришмоқда. Бу йилги мавсумда машинада 810 тонна пахта териб янги рекорд қўйди.

Кеча республика газеталарида Шоймардон Қудратовнинг республика барча механизаторларига мактуби босилиб чиқди. У барча механизаторларга мурожаат қилиб, ўзларининг маҳоратларини ошириш, ҳосил йиғим-теримида техникадан юксак унум билан фойдаланишга эришиш, шу тарзда ҳар бир механик-ҳайдовчи қишлоқ хўжалигида техника тараққиёти учун курашчиларнинг биринчи сафларида бўлишга даъват этди.

Газеталарда, шунингдек, ака-ука Шодиевларнинг ҳам мурожаати босилиб чиқди. Улар республиканинг барча комсомоллари ва ёшларига мурожаат қилиб, иш ва ўқишдан бўш вақтларида пахта териш техникасини ўрганиш, пахта йиғим-теримида механизаторлар сафига қўшилиб, йиғим-теримда актив қатнашишга даъват этдилар. Ака-ука Шодиевлар пахта йиғим-теримида бевосита иштирок этишга интилиб, асосий ишларни қўймай пахта териш машинасини ўргандилар ва учовлон бу мавсумда 510 тонна пахта териб бердилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети

РЕСПУБЛИКАНИНГ ДОНГДОР МЕХАНИЗАТОРИ, СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ ШОЙМАРДОН ҚУДРАТОВ ВА АКА-УКА ШОДИЕВЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

республиканинг донгдор механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратовнинг комплекс механизацияни янада ривожлантириш, пахта териш техникасидан кенг фойдаланиш ва ҳар бир агрегатдан юксак унум билан фойдаланиш асосида машина терими ҳажмини анчагина оширишга қаратилган қимматли ташаббусини маъқуллади. Область, шаҳар, район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, шаҳар, район ижроия комитетларига, Қишлоқ хўжалик, Совхозлар министрликларига, «Узсельхозтехника» бирлашмасига, совхозлар ва колхозларнинг раҳбарларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитетига, институтлар, техникумлар ва ўқув юртларининг раҳбарларига қуйидагилар таклиф этилди:

— областлар, шаҳарлар ва районларда машина терими усталари мактабларини ташкил этиб, механик-ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш, юқори малакали машина терими усталарини тайёрлаш;

— Тошкент шаҳридаги ҳамда республиканинг бошқа шаҳарларидаги олий ўқув юртлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ҳузурида пахта териш техникасини ўрганадиган курслар ташкил этиб, уларда механик-ҳайдовчилар тайёрлаш, биринчи навбатда ёшлар ва қишлоқ хўжалик техникасини ўрганишни хоҳловчи ҳамма кишиларни бу ҳунарга ўргатиб, уларнинг пахта йиғим-теримида қатнашишини таъминлаш.

Республика ва область газеталарининг редакцияларига, Узбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратов ва ака-ука Шодиевларнинг ташаббуси, уларнинг ватанпарварлик интилишлари қўллаб-қувватланиб, техникани эгаллаб олиш оммавий ҳаракатига айланиши, республика қишлоқ хўжалигида техника тараққиётини ривожлантиришга хизмат қилишига эришиш учун кенг пропаганда ишлари олиб бориш топширилди.

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ—ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

УЛУҒВОР БУНЁДКОРЛИК ПРОГРАММАСИ

(Боши 1-бетда).

Омма орасидаги гоявий-тарбиявий ишни ахшилашга, коммунистик ахлоқни шакллантиришга, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, камчиликларга қарши, меҳнатда янги муваффақиятлар учун курашга афкор оммани сафарбар қилишда меҳнатчилар коллективларининг ролини оширишга янада кўпроқ эътибор берилиши зарур.

Депутат беш йиллик план лойиҳасини, шунингдек 1972 йил план ва бюджети лойиҳаларини ССР Иттифоқи Олий Совети комиссияларининг хулосаларини инобатга олган ҳолда тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди.

Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси депутат М. Холов минбарга чиқади. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси йилги давлат плани ва беш йиллик плани лойиҳалари, шунингдек 1972 йилги давлат бюджетининг лойиҳаси бошдан охиригача КПСС XXIV съезди қарорлари руҳи билан суғорилган бўлиб, партиянинг коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтириш соҳалари беш йилнинг ифодалайди.

СССР Олий Совети сессияси муҳокамасига тақдим этилган лойиҳалар, деди депутат, коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг моҳиятини мужассамлаштиради, барча қардош-иттифоқдош республикаликлар меҳнаткашларининг манфаатдорларини акс эттиради.

Нотиқ Тожикистон ССР меҳнаткашлари СССР Олий Советининг ушбу сессиясига қандай натижалар билан келганлигини гапириб берди. Саккизинчи беш йиллик давомида республиканинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 50 процентдан зиёд ўсди, 100 тадан ортиқ саноат корхонаси ва йирик цех ишга туширилди. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати моллари ишлаб чиқариш анча кўпайди.

Тўққизинчи беш йиллик, деди сўзининг охирида депутат, бутун мамлакат сингари Тожикистон ССР олдида ҳам янги катта истиқболлар очади. Ўртага қўйилаётган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши республика экономикаси ва маданиятини ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Нотиқ республика меҳнаткашлари партиянинг улуғвор планларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун бутун кучларини сарф қиладилар деб СССР Олий Советини ишонтирди.

Озарбайжон ССР Министрлар Советининг раиси депутат **А. И. Иброҳимов** ўз нутқида партиямиз ташқи сиёсатининг кучи ва таъсирчанлигини уқтириб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми КПСС XXIV съезидан кейин партия Марказий Комитетининг халқаро фаолияти тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқини тинглаб муҳокама қилди. Пленум бутун партиянинг, бутун халқнинг хохиш-иродасини ифодалаб, съезд баён этган ташқи сиёсий программани амалга ошириш соҳасида Марказий Комитет сиёсий бюроси қилган ишниқдиллик билан маъқуллади ва тўла-тўкис қўллаб-қувватлади. Барча совет кишилари каби Озарбайжон меҳнаткашлари ҳам партиянинг ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган йўлини маъқуллайдилар ва батамом қўллаб-қувватлайдилар.

Депутат тўққизинчи беш йиллик коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда муҳим босқични белгилаб беришини уқтириб, социал-иқтисодий вазифаларнинг кўлами ҳақиқатан ҳам улуғвор эканлигини таъкидлади. Бу вазифалар халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча оширишга қаратилган. Шу беш йилликда Озарбайжон ССР да саноат ишлаб чиқариши ҳажми 46 процент, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши 38,2 процент ортади.

Республика нефть саноатининг ривожи тўғрисида батафсил гапирган депутат Денгиз конларини имкони борича кўпроқ ўзлаштириш зарурлигини айтди. Бу эса Озарбайжон манфаатларигагина эмас, шунингдек Туркманистон билан РСФСРнинг Каспий бўйи районлари манфаатларига ҳам даҳлдор масаладир, деди А. И. Иброҳимов.

Мамлакат нефтчилари КПСС XXIV съезди қарорларидан руҳланиб тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли равишда бошлаб юборди: нефть ва газ қазиб олиш давлат планлари ошириб бажарилмоқда, ишлаб чиқариш интенсивлаштирилмоқда, деб таъкидлади ўз нутқида СССР нефть саноати министри депутат **В. Д. Шашин**. Бу йил 372 миллион тоннадан ортиқ, яъни бултургидан 23 миллион тонна кўп нефть қазиб олинади.

Маълумки, партия XXIV съезди директивларида 1975 йилга борганда нефть қазиб олишни 480—500 миллион тоннага етказиш белгиланган. Ушбу сессияда муҳокама қилинаётган лойиҳада шу кўрсаткичнинг энг юксак даражаси кўзда тутилган.

Беш йил давомида нефть қазиб чиқариш 147 миллион тонна кўпайтирилиши, яъни йилига ўрта ҳисобда салкам 30 миллион тоннадан кўпайтирилиб борилиши, беш йилликнинг кейинги йилларида эса 30 миллион тоннадан ҳам оширилиши лозим. Шу вақтга қадар бундай ўсишга ҳали эришмаган эдик, деди нотиқ. Дунёдаги бошқа биронта мамлакат ҳам бир йил ичида бундай ўсишга эришган эмас.

Шундан кейин министр янги беш йилликда нефть ва газ конлари бўлган районларни ривожлантириш тўғрисида батафсил гапириб берди. Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг биринчи секретари депутат **М. Худойберганов** республиканинг муваффақиятларини батафсил гапириб берди, республика тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили план топшириқларини муваффақиятли бажарганлигини айтди. У сессия минбарида туриб, Ўзбекистон меҳнаткашлари ўн ойлик программани бажарганликларини ва ҳозир йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун суръатга-суръат қўшиб ишлаётганликларини маълум қилди.

Республика халқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачилик айниқса катта муваффақиятларга эришди. Нотиқ республика партия активи йиғилишида пахтанинг халқ хўжалигидаги аҳамиятига Л. И. Брежнев берган баҳони эслатиб ўтди. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг мамлакатга пахта бамисоли ҳаводек зарур, деган сўзларини жуда яхши эслаб қолдик, деб таъкидлади депутат. Ватанимизни ғоят қимматли хом ашё — пахта билан таъминлашчи Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг қардош совет халқлари олдидаги энг муҳим интернационал бурчлари деб билдилар. Улар пахта етиштиришни тўққизинчи беш йиллик охиригача йиллига 5 миллион тоннага етказишга азм қарор берганлар.

Республикадаги саноат ишлаб чиқариши ва маданий қурилиш жадал суръатлар билан ривожланиб боради. Меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар таъминлаб берилади.

Халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажариш учун бизга мустаҳкам интизлик кераклигини ҳаммамиз яхши биламиз. Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети пленумининг партия XXIV съезидан кейин Марказий Комитетининг халқаро фаолияти тўғрисида Ўртоқ Л. И. Брежнев доклади юзасидан 1971 йил 23 ноябрда қабул қилинган қарорини Ўзбекистон меҳнаткашлари қизғин маъқуллашмоқдалар. Барча совет кишилари сингари улар ҳам партиянинг Марказий Комитети билан Совет Ҳукуматининг мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга, жаҳон социалистик системасини ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган доно ленинча ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар.

«Воркутауголь» комбинатига қарашли «Капитальная» шахтаси комплекс бригадасининг бошлиғи депутат **Ю. П. Бронниковга** сўз берилади. Беш йиллик планнинг сессия муҳокамасига тақдим этилган лойиҳаси, деди у, Коммунистик партиянинг, Совет Ҳукуматининг ватанимиз қудратини янада ўстириш тўғрисидаги, халқ фаровонлигини ҳар томонлама ошириш ҳақидаги ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир.

Биз, Воркута меҳнаткашлари, барча совет кишилари қатори севикли ватанимиз билан фахрланамиз, унинг коммунизм қурилишидаги муваффақиятларига қувонамиз.

Депутат қутб нариғидаги кўмир хавзаси меҳнаткашларининг муваффақиятларини гапириб берди. Бу қаҳратон ўлкада 52 миллат фарзандлари аҳиллик билан меҳнат қилмоқдалар, деб таъкидлади у. Улар аҳил қардошлик оиласида ўз олдиларида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Шахтёрлар беш йиллик биринчи йилининг 10 ойлик планидан ташқари 226 минг тонна юқори сифатли кўмир қазиб чиқардилар. Нотиқ ўз ўртоқлари номидан, Воркута меҳнаткашлари номидан комбинат ҳамда шаҳар ишчилари ва хизматчилари тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун ҳамма ишларни қиладилар, деб депутатларни ишонтирди.

Сўнгра **Ю. П. Бронников** ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат сарфлари салмоғини бутун чоралар билан камайтириш масалалари тўғрисида гапирди. Бу проблема, деб таъкидлади у, ишларни тўла-тўкис механизациялаш ва автоматлаштириш йўли билан, кадрлар малакасини ошириш ва уларнинг ишлаб чиқаришда муқим ўрнашиб қолишини таъминлаш йўли билангина ҳал этилиши мумкин.

— Аввалги нотиқларнинг таклифларига қўшилиб мен ҳам мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги беш йилликка мўлжалланган планларини қизғин мақуллайман, деди пировардида депутат.

Минбарда — Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **М. Б. Иксанов**. Сессияда муҳокама қилинаётган докладларда, депутатларнинг нутқларида халқимиз ўтган беш йилликда қандай натижаларга эришганлиги яққол кўрсатиб берилган, деди у. Мамлакатимизни ривожлантиришдаги янги муваффақиятлар КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий Бюроси, Совет Ҳукумати халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада ривожлантириш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш вазифаларини ҳал этишда собит ва ишчанлик кўрсатаётганликларидан далолат бериб турибди. Нотиқ саккизинчи беш йилликда Қозоғистон эришган муваффақиятлар тўғрисида гапириб, республика тарихида ҳали ҳеч қачон экономика шу қадар гуркираб ривожланмаган эди, деб таъкидлади. Қозоғистоннинг муваффақиятлари —бутун совет халқи, барча қардош республикалар биргаликда сарф қилаётган куч-ғайратларнинг натижасидир.

Тўққизинчи беш йилликда республика олдида янада кенг иқтисоллар очилмоқда. Жумладан, мамлакат металлургия заводларини темир руда билан таъминлашда Қозоғистоннинг роли анча ошириладi. Республика нефть қазиб олинадиган йирик районга айлантирилади.

Беш йиллик план лойиҳасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг кенг программаси белгилаб берилган.

М. Б. Иксанов КПСС XXIV съезди улуғвор режаларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун Қозоғистон меҳнаткашлари бутун кучларини сарф-лайдилар, деб КПСС Марказий Комитетини, СССР Олий Советини ва Совет Ҳукуматини ишонтирди.

Шу билан Миллатлар Советининг мажлиси тамом бўлди.

* * *

25 ноябрь эрталаб соат 10 да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида Иттифоқ Совети йиғилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, П. Е. Шелест, В. В. Шчербицкий, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев** ўртоқларни қарсаклар билан қизғин кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси депутат **А. П. Шитиков** очди.

26 ноябрда сессия ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

КПСС XXIV съезди қарорларини турмушга жорий қилиш учун курашган Оржоникидзе районининг меҳнаткашлари беш йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида фаол қатнашиб, 1971 йил қишлоқ хўжалиқ экинлари маҳсулотини сотиш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Тошкент шаҳри ва областнинг районлари аҳолисига 66700 тонна сабзавот сотдилар. Бу пландагига нисбатан 7900 тонна кўпдир. Район меҳнаткашларининг самарали ишлашлари сабабли ўтган йилдагига нисбатан 20600 тонна кўп маҳсулот сотилди. Пахта тайёрлаш плани 105 процент адо этилди. Картошка, полиз экинлари маҳсулоти, узум топшириш юзасидан берилган планлар ҳам ортиғи билан адо этилди.

Зиммага олинган социалистик мажбуриятни муддатидан олдин бажаришда «Қизил Ўзбекистон», «Октябрь», «Правда», Ленин номли «Коммунист» колхозлари ва «Химик» совхози улкан ҳисса қўшдилар.

Район меҳнаткашлари об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб сабзавот экинларидан анча кўп ҳосил етиштирдилар. Тупроқнинг унумдорлигини ошириб, мелиорация-ирригация ишларини яхши йўлга қўйдилар. Шу сабабли ўтган йилдагига нисбатан ҳар гектар ердан олинадиган сабзавот ҳосили 16 центнердан-га, картошка 19,4 центнерданга кўпайди.

Шундай қилиб, ўтган йилдагига нисбатан 17 минг тонна кўп сабзавот етиштирилди.

КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг IV пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашаётган район меҳнаткашлари чорвачиликни юксалтиришда ҳам барча чораларни кўрмоқдалар. Чорва моллари маҳсулоти сотиш юзасидан берилган тўққиз ойлик план муваффақиятли бажарилди. Ҳозир барча хўжаликларда йиллик планни ва мажбуриятни муддатидан илгари бажариш ҳамда чорва қишловини намунали ўтказиш юзасидан мусобақа кенг қулоч ёйди.

КПСС Марказий Комитети пленуми қарорлари ва СССР Олий Совети сессияси муҳокама қилаётган масалалар халқимизни янги зафарларга илҳомлантирмоқда.

Район меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача қўшимча 4 минг тонна сабзавот ва қиш ойлари давомида шаҳарликлар учун теплицаларда етиштирилган 300 тонна сабзавот сотиш мажбуриятини олдилар.

5050 ЦЕНТНЕР БАЛИҚ

Ўртоқ Қодиржон Шарипов раҳбарлик қилаётган Калинин районидаги «Дамачи» балиқчилик хўжалигининг коллективи социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, муддатидан илгари, областда биринчи бўлиб 20 ноябрда давлатга балиқ топшириш йиллик планини муваффақиятли бажарди. Пландаги 5 минг ўрнига 5050 центнер тирик балиқ етиштириб берилди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси материалларидан илҳомланган балиқчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 350 центнер балиқ топширишга аҳд қилдилар. Балиқчилар пландаги 21,3 центнер ўрнига ҳар гектар ҳовуздан 23 центнердан маҳсулот топшириш учун астойдил курашмоқдалар.

Ортиқ Маҳмудов, Худойберган Раимов каби ўртоқлар бошлиқ бригадаларда кўплаб балиқ топширишда катта ютуқлар қўлга киритилмоқда, Бригада аъзоларининг фидокорона меҳнат қилишлари сабабли пландагига нисбатан анча кўп балиқ топширилди.

Балиқ овлаш ва сотиш қизғин давом эттирилмоқда.

БЎСТОНЛИҚ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Бўстонлиқ район чорвадорлари беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, КПСС Марказий Комитети Пленуми очилган кунда яна бир ғалабага эришдилар. Давлатга сут топшириш планини муддатидан илгари адо этиб, қабул пунктларига 36610 центнердан зиёд серқаймоқ сут етказиб бердилар.

Бу катта ғалабага райондаги Карл Маркс номли, Жданов номли, «Қизил ту» колхозлари, 11-ва «Правда 50 йиллиги» совхозлари ўз муносиб улушларини қўшдилар. Бу хўжаликларда ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори ўтган йилларгагига қараганда бирмунча юқори бўлди.

Район чорвадорлари давлатга гўшт топшириш йиллик планини ҳам ошириб адо этдилар. Бу борадаги топшириқ 104 процент бажарилиб, давлатга жами 14 минг 800 центнер гўшт етказиб берилди. Бу ютуққа йиллик гўшт топшириш планларини муваффақиятли бажарган «Қизил ту», «Ленинград» колхозлари ва 11-совхоз чорвадорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Район хўжаликларида бу йил қорамолларни бўрдоқига боқиб семиртириш яхши йўлга қўйилди. Шунинг учун ҳам давлатга топширилган ҳар бир бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 310 килограммдан кам бўлмади.

Хўжаликларда чорвачиликнинг асосий тармоғи бўлган чўчқачиликни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Шу мақсадда район хўжаликларига 10—15 бошдан она чўчқа сотилган эди. Колхоз ва совхозларда махсус чўчқахоналар қурилди. Чўчқачилик билан шуғулланувчи алоҳида кишилар ажратилди. Ҳозирги кунда давлатга гўшт топширишда чўчқачилик салмоқли ўринни эгаллаб келмоқда. Гўштга топширилаётган ҳар бир чўчқанинг тирик вазни 110—115 килограммдан ошади.

Район чорвадорлари социалистик мусобақани қизғин давом эттириб, йил охиригача давлатга яна бир неча юз центнер сут ва гўшт топшириш юзасидан ошириган мажбуриятларини қабул қилдилар. Чорвадорларнинг беш йиллик меҳнат вахтаси давом этяпти.

МЕҲНАТСЕВАРЛАР

Ангрен станцияси темирйўлчилари тўққизинчи беш йиллиқнинг дастлабки йилига мўлжалланган юк ташиш план топшириқларини барвақт бажариб, қувончли марраларни эгаллашмоқда. Улар ўтган ойлар планини барча кўрсаткичлар бўйича ошириб адо этишди. Вагонларнинг бекор туриб қолиши нормадагидан 0,9 соатга камайди. Бу—Ўрта Осиё темир йўлидаги энг яхши кўрсаткич.

Вагонлардан унумли фойдаланиш эвазига қўшимча 230 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилди. Бундай юқори кўрсаткичларга эришишда станциянинг А. Туников ва В. Чубко ўртоқлар бошлиқ смена темирйўлчиларининг ҳиссаси салмоқли бўлди.

Станция ходимлари учинчи квартал якуни бўйича Ўрта Осиё темирйўл магистрали коллективларидаги социалистик мусобақада иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Ғолибларга пул мукофоти ҳам берилди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорлари ва сессия материалларидан илҳомланган станция коллективи йиллик юк ташиш планини 20 декабрда бажариш учун меҳнат қилмоқда.

Ф. ПЕТРОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ИЙЛ 25 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — шудгорлаш проценти

Юқори Чирчиқ	96,61
Ўрта Чирчиқ	93,40
Оржоникидзе	90,86
Калинин	88,84
Оққўрғон	87,31
Янгийўл	87,07
Бўстонлиқ	83,43
Пискент	80,44
Бўка	74,15
Оҳангарон	73,12
Бекобод	71,08
Область бўйича:	84,03

АКТИВЛИК ВА ЖАНГОВАРЛИК УЧУН

Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, илғорлар ташаббусига қўшилиб, беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш учун кураш бошлашган.

Май ойида бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида колхоз коммунистлари ва партиясиз активлар бу ҳақда батафсил гапириб олишди. Улар беш йиллик топшириққа қўшимча равишда 4900 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказишга аҳд қилдилар.

Юксак мажбуриятни муваффақиятли бажармоқ учун биринчи навбатда коммунистлар активлиги ва цех партия ташкилотлари жангговарлигини ошириб, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, ички резервларни тўла ишга солиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш лозим эди. Колхоз коммунистлари мана шу йўлдан боришди.

Колхознинг 11 далачилик бригадаси, 31 звеноси, чорвачилик фермаси ва парник хўжалигида тўққизинчи беш йиллиқнинг биринчи йили учун топшириш йиллик плани куни кеча шараф билан адо этилди. Коммунистлар чорвачилик учун етарли озуқа базасини олдиндан ғамлаб қўйишган. Ҳозир бор имконият чорва қишловини намунали ўтказишга сафарбар қилинмоқда.

Колхоз партия ташкилоти коммунистлар ва партиясиз активлар малакасини ошириш ва уларни тарбиялашга алоҳида эътибор беряпти. Колхоз коммунистларидан 27 киши олий, 24 киши ўрта махсус, 50 киши ўрта мактаб маълумотлидир. Ҳозирги кунда 14 киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида билим олмоқда. Айни пайтда коммунистлар сиёсий онгини оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Сиёсий маориф системаси ўқувга ўтган йили 166 коммунист ва партиясиз актив жалб этилди. Бу йил улар сони яна ҳам ошган.

Докладчи Н. Сандов қўлга киритилган ютуқларни алоҳида таъкидлаш билан бирга бажарилмай қолаётган ишларга ҳам кўпчилик эътиборини қаратди. Баъзи бригадаларда ҳали ҳам турлар бўйича маҳсулот етиштириш плани бажарилмаяпти. Илғорлар тажрибасини оммалаштириш, рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини ўз вақтида амалга оширишга етарлича аҳамият берилмаяпти. Оммавий-сиёсий ва ташкилий-тарбиявий ишларни янги талаблар даражасига кўтармоқ керак.

Доклад юзасидан музокараларда биринчи бўлиб сўз олган 2-бригада бошлиғи **А. Рихсиев** ўз коллективи муваффақиятли ишлаётганлигини, ҳар гектар ердан 30 центнердан, А. Мирзаахмедов, М. Мирзаев ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари 35 центнердан ҳосил кўтаришди.

Биз эришилган ютуқларни амалий иш билан мустаҳкамлаймиз. Шу билан бирга келгуси йил мўл ҳосилига тайёргарлик кўришни ҳозирдан бошлаб кучайтириб юборамиз. Экиндан бўшаган ерлар минерал ўғитлар билан озиқлантирилиб, шудгор қилиняпти. Ариқ, зовурларни тозалашни ҳам тезда кучайтириб юборамиз.

М. ҒОЗИЕВ.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

топшириш йиллик плани куни кеча шараф билан адо этилди. Коммунистлар чорвачилик учун етарли озуқа базасини олдиндан ғамлаб қўйишган. Ҳозир бор имконият чорва қишловини намунали ўтказишга сафарбар қилинмоқда.

Колхоз партия ташкилоти коммунистлар ва партиясиз активлар малакасини ошириш ва уларни тарбиялашга алоҳида эътибор беряпти. Колхоз коммунистларидан 27 киши олий, 24 киши ўрта махсус, 50 киши

ЧИРЧИҚ электрохимия комбинатидаги меҳнат қилаётган Н. Карпова (чапдан ўнгга), Т. Эшонқулов, К. Тугановлар меҳнат зарбдорлари деган номга лойиқ иш кўрмоқдалар. Бу ишлаб чиқариш илғорлари шу кунларда 1972 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

И. ГЛАУБЕРЗОН ва В. СИРОТКИН фотолари.

ДАЛВАРЗИН ПАХТАСИ

Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг меҳнаткашлари об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб, 9950 ўрнига 10326 тоннадан ортиқ пахта етиштирдилар. Шўр ерларнинг мелиорация аҳволи яхшиланиши, илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланилиши сабабли бу йил ўтган йилга нисбатан 1256 тонна кўп пахта топширилди.

Пахтани машина билан теришда ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди. Етиштирилган яхши ҳосилнинг 80 проценти биринчи сортларга қабул қилинди.

Совхоз маъмурияти қолоқ участкаларни илғорлар даражасига етказиш юзасидан бир қанча тадбир кўрди. Натижада етти йилдан бери сурункасига пахта тайёрлаш планини бажармай келаётган 2-ва 5-бўлимлар ҳам илғорлар сафидан ўрин олиб, бир йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорликни гектар бошига 7—8 центнердан оширишга муваффақ бўлди.

Ҳали далада ҳосил кўп. 34 бригададан 29 таси, 16 звеподан 13 таси мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқда. Пахтачиликни юксалтиришда Абдусамад Халилов, Қиргизбой Абдукаримов ўртоқлар бошқарувчи бўлган 6, 3-бўлим ишчиларининг хизмати айниқса каттадир. Улар гектар бошига 27—28 центнердан пахта топширишга муваффақ бўлдилар.

— Бу йил, — дейди совхоз директори ўртоқ Н. Сотиболдиев, — хўжалигимизда илғорлар анча кўпайди. Б. Намозов, Р. Йўлдошева, Н. Бердиқулов, М. Тўрақулов, Д. Ҳайдаров ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 30 центнердан, А. Мирзаахмедов, М. Мирзаев ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари 35 центнердан ҳосил кўтаришди.

Биз эришилган ютуқларни амалий иш билан мустаҳкамлаймиз. Шу билан бирга келгуси йил мўл ҳосилига тайёргарлик кўришни ҳозирдан бошлаб кучайтириб юбордик. Экиндан бўшаган ерлар минерал ўғитлар билан озиқлантирилиб, шудгор қилиняпти. Ариқ, зовурларни тозалашни ҳам тезда кучайтириб юборамиз.

М. ҒОЗИЕВ.

ХАЛҚ НАЗОРАТИ

№ 108

УСКУНАЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Областимиз назоратчилари олиб бораётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Улар КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширабориб, ўтган давр мобайнида бир қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Айниқса, ишлаб чиқариш қувватлари ва ускуналардан унумли фойдаланиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги кишини қувонтиради.

Маълумки, май ойида республика халқ контроли комитети областимизда ускуналардан унумли фойдаланиш ва уларни сақлашни яхшилаш юзасидан тегишли қарор қабул қилган эди. Область халқ контроли комитети шу қарор асосида муҳим тадбирлар ишлаб чиқди.

Май ва июнь ойларида биз машинасозлик, пахта тозалаш, луб ва маҳаллий саноат корхоналари халқ контроли группалари ранслариннинг семинарини ўтказдик. Семинарда келаётган янги ускуналарни ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш устида гап борди. Айни пайтда шу масала бўйича 150 та қурилиш ташкилотидаги халқ контроли группалари ранслари билан ҳам гаплашиб олинди. Барча назоратчиларнинг диққат-эътибори ускуналарни ҳисобга олиш ва уларни сифатини сақлашга қаратилди рейдлар уюштирилди. Бу рейдларда Чирчиқ, Олмалиқ, Янгийўл шаҳар назоратчилари айниқса актив иштирок этдилар.

Чирчиқ шаҳар халқ контроли комитети ўтган ўн ой мобайнида янги ускуналардан фойдаланиш ва ўрнатилмаган ускуналарни сақлаш қай аҳволда эканлигини тўрт марта текширди. Текширув якунлари шаҳар газетасида ва фотомонтажларда маълум қилинди. Комитет йиғилишларидан иккитасида ҳам шу масала махсус муҳокама этилди. Йиғилиш қарори билан камчиликка йўл қўйган жавобгар шахслар жазоланди.

Олмалиқ шаҳар халқ контроли комитети ҳозир ўз диққат-эътиборини янги қувватларни муваффақиятли ишга туширишга қаратган. Маълумки, шаҳардаги кон-металлургия комбинатида бир қатор муҳим қурилиш олиб борилмоқда. Назоратчилар қурилишнинг бориши ва келаётган ускуналар монтажини доимо кузатиб турибдилар. Рейдларда ортиқча ускуналар аниқланиб, керакли жойларга жўнатилмоқда. Шундай рейдларнинг бирида капитал қурилиш бошқармаси омборларида кўплаб ускуналар бекор турганлиги маълум бўлди. Назоратчилар текширувидан сўнг бу масала комбинат партия комитети йиғилишида алоҳида муҳокама қилиниб, директор ўринбосари Озолин зиммасига конкрет вазифалар юкланди.

Тадбирлар, тезда ўз самарасини берди. Қисқа вақт ичида 3,8 миллион сўмлик ускуна ҳаракатга келтирилди, 6,6 миллион сўмлик ускуна эса монтаж қилишга топширилди. 1,7 миллион сўмлик ускуна керакли корхоналарга жўнатилди.

Ҳозир капитал қурилиш бошқармаси омборлари анча тартибга келиб қолган. Шу текширув баҳона бўлиб шаҳардаги бошқа корхоналарда ҳам ускуналардан фойдаланишда сезиларли силжиш бўлди. Маиший химия заводи омборларида тахланиб ётган станок ва мосламалар ҳозир ўз ўрнини топган. Бу ердаги 742 минг сўмлик ускуна зудлик билан цехларга ўрнатилди, 152 минг сўмлик ишкерак агрегатлар эса керакли жойларга юборилди.

Ускуналардан унумли фойдаланиш ва ўрнатилмаган агрегатларни намунали сақлашда Янгийўл шаҳар назоратчилари ҳам ибратли ишларни амалга оширяптилар. Шаҳар халқ контроли комитети йиғилишида бу масала икки марта муҳокама қилинди. Йиғилиш қарорининг амалга оширилиши туфайли ҳозир шаҳар бўйича ўрнатилмаган ускуналар сони икки баравар камайган. Айниқса, ёғмой комбинати, «Нормаль» заводи назоратчилари бажарган ишлар намуна бўлардидир.

Ёғмой комбинати назоратчилари йил давомида янги цех қурилишини тезроқ тугаллаш устида бош қотирдилар. Улар қурилишдаги баъзи камчиликларни ўз вақтида муҳокамадан ўтказиб, иш суръатини оширишга кўмаклашдилар. Пировардида октябрь ойида цех муваффақиятли ишга туширилди. «Нормаль» заводида эса қисқа вақт ичида бешта асосий линия фойдаланишга топширилди. Бу билан ҳар иккала корхонада ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш анча кўпайди.

Областимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ҳозир ускуналардан ва янги қувватлардан унумли фойдаланиш устида алоҳида қайғурилмоқда. Бекобод шаҳридаги корхоналарда ўрнатилмаган ускуналар сони ўн ойда қариб ўн марта камайди. Ҳозиргача 3,3 миллион сўмлик ускунадан 3 миллион сўмлиги тўла монтаж қилиб бўлинди.

Областимиз корхоналаридан 23 тасида янги ускуналарни ўрнатиш алоҳида назоратга олинган. Бу тадбир келаётган станок ва мосламаларни белгиланган графикларда монтаж қилиш имконини бермоқда. Назоратчилар иштироки билан Чорвоқ ГЭСининг 150 минг киловатт қувватли иккинчи турбинаси, Тошкент ГРЭСининг 11, 12-блоклари муваффақиятли ишга туширилди. Бошқа корхоналарда ҳам йирик цехлар барвақт фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда Ўртаовул гўшт комбинати, Олмалиқ сут заводи, Чирчиқ ойна заводи қувватларини ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Бу ютуқларнинг ҳаммасида назоратчилар ҳиссаси алоҳида сезилиб турибди.

А. ПУТТИЕВ,
область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Тошкент шиллакашлик фабрикаси коллективи тайёрланаётган маҳсулот сифатига алоҳида эътибор билан қараяпти. Илғор ишчилардан Ҳосият Файзиева, Муҳаррам Исломова ва Холида Хайриддинова энг масъулиятли участкалардан ҳисобланган саралаш цехида меҳнат қилишали. Улар айни пайтда жамоат ишларида ҳам актив иштирок этмоқдалар. Суратда: жамоатчи ишчилардан Ҳ. Файзиева, М. Исломова ва Х. Хайриддинова ўртоқлар конвейерга ташаётган шиллани яна бир бор кўздан кечиришмоқда.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ТЕЖОҒЛИҚ ИШ — БЕЖОҒЛИҚ

Назоратчилар активлигини оширишда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг халқ хўжалигида иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтириш ҳақидаги Хати алоҳида роль ўйнади. Хат асосида барча жойларда йирик-йирик тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирлар пировардида катта самаралар берди.

В. П. Чкалов номли Тошкент самолётсозлик заводи коллективи тежамкорликка даъват этувчи хатни муҳокама қилиш давомида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва хом ашёларни иқтисод қилиб қолишга қаратилган 1237 та таклиф билан чиқди. Ўтган йили бу таклифларнинг кўпчилиги амалга оширилиб, 450 минг сўмлик фойда олинди.

Тежамкорлик учун бошланган кураш заводда ҳамон зўр қудрат билан давом этмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида самолётсозлар 260 минг сўмлик материал ва хом ашё, 2 миллион киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси, 1000 тонна шартли ёқилғи тежаб қолдилар.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Районимиздаги «Ташсельмаш» заводи, 1-уйсозлик комбинати, тепловозвагон депоси каби корхоналарнинг назоратчилари ҳам моддий ресурслардан ишни кўзини билиб фойдаланишда омилкорлик билан иш тутмоқдалар. Ҳозирги пайтда район саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида 317 та халқ контроли группаси, 348 та халқ контроли пости намунали фаолият кўрсатмоқда. Группа ва постларга 5900 жамоатчи бирлашган. Район халқ контроли комитети назоратчилар диққат-эътиборини бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратиб келмоқда.

Халқ контроли группалари раисларининг қариб барчаси партбюро секретарининг ўринбосарлари ва бюро аъзоларидир. Улар группалар ишини жонлантиришда ва планли рейдлар, ўтказишда назоратчиларга бошчилик қилмоқдалар. Район халқ контроли комитети кенг жамоатчилик ёрдами билан ўтган ойларда халқ хўжалигининг барча соҳаларида 110 тадан кўпроқ текширув ўтказди. 33 текширувнинг якуни комитет йиғилишида муҳокама қилинди. Назоратчилар бу текширувларда ишлаб чиқаришдаги қолоқликни бартараф этиш, вагонлар оборотини тезлаштириш, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мулкни кўз қорачиғидай сақлаш юзасидан қимматли таклифларни тақдим этдилар. Улар томонидан аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этиб борилди. Пировардида коллективлар эришган ютуқлар янада мустаҳкамланди.

Халқ контроли группалари ва постларининг аъзолари сўнгги йилларда социалистик мулкни кўз қорачиғидай асраш ва иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтиришда ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар. Улар ҳиссаси билан шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 2 миллион 150 минг сўмликдан кўпроқ материал ва хом ашё тежаб қолинди. Меҳнаткашлардан ички резервларни ишга солиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган 2100 та муҳим таклиф тушди. Бу таклифларнинг салкам 1000 таси шу кунгача ишлаб чиқаришга тўла жорий этилди.

Район халқ контроли комитети назоратчиларнинг бу соҳадаги активлигини янада кучайтириш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, биз назоратчилар иштирокида талон-торожликка қарши 12 марта текширув ўтказдик. Бу текширувларда баъзи нуқсонлар очиб ташланди. Халқ мулкини оёқ остига қилаётган 11 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

Назоратчилар ҳар бир соҳада намунали тартиб ўрнатиш устида жон қийнтмоқдалар. Кейинги пайтда биз савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишини яхшилаш мақсадида планли рейдлар ўтказдик. Ишда камчиликларга йўл қўйётган кишилар рейд давомида жиддий жазоландилар. Савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш ҳақидаги масала район партия комитети бюросида ҳам муҳокама қилинди. Бюро қарори билан бир қатор ўзгаришлар ясалди.

Қаерда назоратчилар активлик кўрсатишса, ўша ерда нуқсонларга ўрин қолмайди. Шу боисдан ҳам бу йилги ҳисобот-сайлов йиғилишлари давомида биз кўшимча равишда жойларда 17 та группа ва 18 та пост туздик. Халқ контроли группаси ва постлари аъзолари 540 кишига кўпайди. Янги сайланган назоратчилар ишни янги талаблар асосида ташкил этиб, камчиликларга қарши ўт очмоқдалар. Улар ғайрати ва ташаббуси билан районимизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ойлик планлари муттасил ортиғи билан адо этиб келинмоқда.

Х. КАМОЛОВ,
Ҳамза район халқ контроли комитетининг раиси.

КЕЛГУСИ ЙИЛНИ КЎЗЛАБ

Бу колхоз деярли ҳамма соҳалар бўйича давлатга маҳсулот етказиб бериш планларини ошириб бажарди.

Катта хўжаликнинг голибона зафарида, албатта, халқ назоратчиларининг ҳам ҳиссаси арзигуликдир. Халқ контроли группасининг 37 жойда пости бор. Бригада, фермаларда, трактор паркида, теплица ва парник хўжаликларидаги назоратчилар шу кунларда келгуси йил тадбирларининг қандай амалга оширилаётганлигидан кўз-қулоқ бўлмоқдалар. Айниқса, Э. Раҳмонқулов, Ўрозбой Анорбоев, Гулом Ғофуров, Виктор Шварчков сингари назоратчилар ҳам меҳнатда, ҳам жамоат ишларида ўрнак бўлмоқдалар. Нормирза Ҳолмирзаев эса уларга бош-қош.

Мана, Нормирза ака дала томон кетиб бораяпти. У бироз юргач, ҳозиргина шудгор қилиб кетилган пайкал олдида тўхтади. Энгашиб шудгорнинг чуқурлигини текширди. 30—35 сантиметр чуқурликда ҳайдалибди.

Ўша куни Гулом Ғофуров, Ўрозбой Анорбоевлар ҳам далада бўлдилар. Плёнка тагига карам кўчати экишнинг бориши, тракторлар ремонтини кўздан кечирдилар.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг деҳқонлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, тўққизинчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта ғалабаларни қўлга киритиш учун курашмоқдалар.

И. РУСТАМОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„БИР ЁҒИ ШИРА, БИР ЁҒИ ХИРА“

Шундай сарлавҳа билан газетада босилган мақолада «Ташлимводторг»нинг айрим ходимлари минерал ва бошқа совуқ ичимликлар сотишда санитария қоидаларини қўпол равишда бузаётганликлари танқид қилинган эди.

Яқинда шу мақола юзасидан Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бошқармасининг бошлиги ўртоқ А. Казиевнинг имзоси билан жавоб олдик.

«Мақола «Ташлимводторг» ҳамда савдо бошқармаси советида муҳокама қилинди, — дейилади жавобда, — келгусида шундай камчиликларга йўл қўймаслик, мавжуд санитария қоидаларини бузмаслик учун тегишли тадбирлар белгиланди. Камчиликларга йўл қўйган база директорларидан Усмонов, Муродхўжаев, Азизов ўртоқлар қаттиқ огоҳлантирилган».

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ГРУППАЛАРИДА

Тошкент ГРЭСи коллективи эришаётган ютуқлар кўлами ой сайин кенгайиб бормоқда. Бу ерда нур ҳосил қилиш топшириқлари муваффақиятли адо этилмоқда. Қўлга киритилаётган ютуқларда назоратчилар ҳиссаси сезилиб турибди.

Станция халқ контроли группасига бирлашган 35 назоратчи ўтган ойларда бир қатор фойдали рейдлар ўтказиб, баъзи бир нуқсонларнинг олдини олиб қолдилар. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишда маъмуриятга ва партия ташкилотига яқиндан ёрдам бердилар.

Назоратчилар тўртта секцияга бўлинишиб, фаолият кўрсатишмоқда. Социалистик мулкни сақлаш юзасидан тузилган секцияга ўн киши бирлашган. Улар ўтган давр ичида турар жойлар ремонти сифатини кўздан кечирдилар, тежамкорлик учун курашдилар.

Ишлаб чиқариш секцияси аъзолари эса бевосита цехларда иш олиб бордилар. Улар ғайрати билан ёқилғи сарфиётти тартибга солинди. Тушаётган рационализаторлик таклифлари ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий этила бошланди. Шунинги қувончлики, рационализаторларнинг кўпчилиги ҳозир назоратчилардир. Улар сўнгги ойларда ўнта қимматли таклифни амалга ошириб, ишлаб чиқаришга 13 минг сўмлик фойда келтирдилар. Машинистлар Муҳиддинов, Кузнецов, мастер Тошмуҳамедов ва бошқа ўртоқлар киритган таклифлари айниқса самарали бўлди.

Станция халқ контроли группасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида яна бир қатор ютуқлар тилга олинди. Жумладан, вагонлар обороти тезлашганлиги туфайли энди темир йўл транспортига ҳеч қандай жарима тўланмаяпти. Бундан корхона катта фойда кўрмоқда. Иқтисодий тежамкорлик учун кураш ҳам тобора кенг қулоч ёймоқда. Ўтган ойларда коллектив ғайрати билан 2402 тоннадан ортиқ ёқилғи, 4062,6 киловатт соат электр энергияси тежаб қолинди. Группа раиси ўртоқ Загвоздин мана шу муваффақиятларни ўз ҳисобот докладида алоҳида тилга олди.

Лекин, шунга қарамай назоратчилар олдида ҳали бажарилиши лозим бўлган бир талай вазифалар турибди. Музокарада сўзга чиққан Тошматов, Доронин, Абдураҳмонов ва бошқа ўртоқлар асосий эътиборни мана шу вазифаларга қаратдилар. Айниқса материал ва ускуналарни сақлашга эътиборсизлик қилинмоқда. Очиқ жойларда рангли шиферлар ва бошқа қурилиш материаллари тахлаб қўйилган. Кўпгина ускуналар очиқ ҳавода ўз сифатини йўқотмоқда.

Нотиқлар рейдда аниқланган камчиликларни тезроқ бартараф этишга ҳам панжа орасидан қараётганлиги учун маъмуриятни танқид қилдилар. Халқ назоратчиларидан ўртоқ Носов юк автомобилларидан нотўғри фойдаланилаётганлиги ҳақида маъмуриятни хабардор этди. Бу камчилик директор ўринбосари Иброҳимовга маълум бўлса ҳам бирор конкрет тадбир кўрилмади. Халқ контроли группаси рейдларининг якуни кўп ҳолларда оммага ошкора бўлмайди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида яна бир қатор танқидий фикрлар билдирилди. Ўйлаймизки, бу танқидлар келажакда ўзининг ижобий самараларини беради. Йиғилишда қабул қилинган қарорда назоратчилар эътибори тўққизинчи беш йиллиқнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажаришга қаратилди.

Йиғилишда станция халқ контроли группасининг янги состави сайланди.

Б. ЭРГАШЕВ.
Халқ назоратчиси.

Тошкентдаги Охунбобоев номли пахта тозалаш заводи ишчилари янги ҳосилдан дастлабки минг тоннасини қайта ишлаб бўлдилар. Тойланган пахталар пешма-неш мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарига жўнатилиб турибди. Суратда: жўнатишга ҳозирланаётган пахта тойлари.

И. Глауберзон фотоси.

ЖОНКУЯРЛАР

У кеч кириб қош қорая бошлаганда даладан қайтди. Уйига ҳам кирмай тўғри колхоз идорасига йўл олди. Бугун уерда правлениенинг кенгайтирилган йиғилиши бўлади. Кузги-қишки ишларнинг бориши муҳокама қилинади. Аширмат шудгорлашнинг қандай бораётганлиги тўғрисида ахборот бериши керак.

Биринчи бўлиб раис сўз олди. Мирзааҳмад ака колхоз пахта планини ошириб бажарганлиги, ҳосилдорлик 27 центнердан ортиб, машиналар унумли ишлаганлигини айтиб, активларга, бригадирларга миннатдорчилик билдирди.

— Биз,— деди Ҳайитбоев,— келгуси йили бундан ҳам яхши кўрсатгичларга эришиш учун ҳозирдан бошлаб тайёргарлиқ кўришимиз керак...

Сўнг бригадирлар бирин-кетин сўзга чиқиб, ўз хўжаликларида тайёргарлик ишлари қандай бораётганлигини гапириб бердилар. Навбат халқ контроли комитетининг раиси Аширмат Маматовга келди.

У колхозниг Пардавой Мамадиев, Мирзафар Бадалов бригадаларида бўлганлигини, уларда дала ишлари конвейер усулида ташкил этилганлиги, тракторчилар иш вақтидан унумли фойдаланиб, экин майдонларини белгиланган чуқурликда шудгорлаётганликларини айтди. Лекин, шудгорлаш суръати талабга жавоб бермайди. Фурсатни бой бермаслик, суръатни кучайтириш керак. Назоратчилар бу соҳада ёрдамни аямайдилар. Ҳар бир бригадада текширув постлари ишлаб турибди. Улар ҳар икки-уч кунда шудгор ҳақида ахборот бериб турибдилар.

— Раҳмат, сизларга,— деди колхоз раиси Мирзааҳмад ака.— Ёрдамларингиз баракали бўляпти, бундан кейин ҳам ишни бўшаштирманглар.

Сўнг раис кеча сут-товар фермасида бўлганлигини, уерда кейинги уч-тўрт кун ичида соғин сигирлардан сут соғиб олиш кўпайганлигини айтиб, миннатдорчилик билдирди.

Бу миннатдорчиликнинг боиси бор эди.

Октябрь ойларининг боши эди. Халқ назоратчилари фермага рейд қилдилар. Рейд натижаси колхоз правлениеси йиғилишида муҳокама қилинди. Маълум бўлишича, сут соғиб олиш суръати ўтган йилнинг шу вақтдагига нисбатан паст экан.

Бунинг сабабларини аниқлаш назоратчиларга топширилди. Эртасига Аширмат Маматов халқ контроли группаси бюроси аъзоси Абдумўмин Оқбўтаев, пост раҳбари Амиркул Собировлар билан бирга фермага келишди.

ЛАВҲА

Мана, сут соғувчи Зебо Чорнева ўзига бириктирилган сигирлардан бирини соғиб бўлди. Аширмат ферма ҳисобчисидан сурштирса, ўтган ойда бу сигирдан соғиб олинган сут ҳар кунга тақсимланганда 7—8 литрдан тўғри келган экан. Кеча эса бу сигирдан бор йўғи етти литр сут соғиб олинибди. Эрталабки олинган сутнинг ҳам айтарлик баракаси йўқ. Нега? Молларга ем-хашак бирдай едирилаяптику?! Сигир олинида сут тўла соғиб олинмаеган қолиняптимикин?

Назоратчининг бу шубҳаси ўринли бўлиб чиқди. Ўша сигир соғилганида қўшимча ярим литр сут олинди.

Бундан сут соғувчи Зебо ҳижолат тортди. Ахир, тўғри-да, унинг 25 сигиридан ҳар бирида ўртача ярим литрдан сут қолиб кетадиган бўлса, бир кунда 12—13 литр сут йўқолади-ку!

Ферма ҳисобчиси Жаббор Абдумавлонов ҳам бу ҳақда огоҳлантирилди, сут соғувчилар, молбоқарлар иштирокида текшириш якуни муҳокама қилинди.

Уч-тўрт кун ўтгач, назоратчилар яна фермада бўлдилар. Кундалик сут соғиб олишга оид рақамлар билан танишдилар. Натижа қувончли эди. Илгари кунига 280 килограммдан сут соғиб топширилган бўлса, эндиликда 310—320 килограммга етказилиб сут соғиб олинаётган эди. Колхоз сут соғиб олиш планини муддатидан илгари бажарди. Давлатга 53 тонна сут етказиб берилди. Шубҳасиз, бунда жонкуяр назоратчиларнинг ҳам ҳиссаси бўлди.

Бу ишлар Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози халқ назоратчилари фаолиятидан бир шингил. Колхозда 25 халқ назоратчиси бор. Халқ контроли группасининг жойларда еттита пости ишлаб турибди. Пост аъзолари фермада, колхоз трактор паркида, йирик участкаларда тез-тез бўлмоқдалар. Тошқул Ҳайдаров, Зокир Мамиров, Мирза Бобоев каби назоратчилар, айниқса, хушёрлик ва сезгирлик кўрсатдилар.

Авжи йиғим-терим қизиган кунлар эди. Уста сувчи, жонкуяр назоратчи Зокир Мамиров халқ контроли группаси раисини учратиб, 10-бригадада нобудгарчиликка йўл қўйилаётганлигини айтиб қолди. Шу куннёқ бригадага уч назоратчи юборилди. Назоратчилар бу ерда анча-муча пахта нерофе бўлаётганлигини аниқлашди. Тўш пайтида колхоз бригадасида йиғилиш ўтказилди. Айбдорлар қаттиқ уялтирилди. Назоратчилар ўтказган бу йиғилиш тадбирларидан бошқа бригадалар аъзолари ҳам хабардор қилинди. Колхоз бўйича нобудгарчилик кескин камайди.

Колхознинг бирон тармоғи йўқки, уерда назоратчилар фаолият кўрсатмаётган бўлсин. Ҳосил жонкуярлари, гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш учун курашаётган азаматлар ҳар соҳадан кўз-қулоқ бўлмоқдалар. Келгуси йилдаги ютуқларимиз, бу йилдагидан ҳам баракали бўлсин, деб жон куйдирмоқдалар.

Н. РИХСИЕВ.

БАСТАКОРЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон композиторлари VI съезди

Кеча бастакорларимизнинг VI съезди ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон бастакор ва мусиқашунослари Иттифоқимизнинг маданият арбоблари қатори, партия XXIV съезди қарорларини завқ ва илҳом билан кутиб олдилар.

Совет давлатининг 50 йиллиги, буюк доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлашда республикамиздаги бастакорлар ҳам ўзларининг ижодий ҳиссаларини қўшдилар. Бу тарихий воқеаларга бағишлаб музиканинг турли жанрларида йирик ва кичик музика асарлари яратдилар. Юбилей муносабати билан ўтказилган республика конкурсида композиторларимиздан Сулаймон Юдаков «Ленин хотирасига» номли вокал-симфоник поэмаси ва симфоник оркестр учун ёзган фестиваль увертюраси, Икром Акбаров шоир Мақсуд Шайхзоданинг «Тошкентнома» достони асосида яратган «Тошкент ҳақида қисса» ораторияси, Дони Зокировнинг «Ленин йўлланмаси» кантатаси, Гафур Қодировнинг «Мактабкон-офтобкон» номли вокал-симфоник сюитаси, Иброҳим Ҳамроевнинг «Ойжамол» операси, Манас Левиев музикали драмаси, Александр Берлиннинг «Ватан ҳақида» номли вокал-симфоник поэмаси, Георгий Мушель Зулфия шеърларига ёзган «Унутилмас» номли вокал цикли, Шариф Рамазоновнинг эстрада қўшиқлари, Собир Бобоев, Мардон Насимов, Сайфи Жалил, Хайри Исмоилов, Ҳамид Раҳимов, Абдурахим Муҳамедовлар яратган қўшиқлари учун мукофотга сазовор бўлдилар.

Композиторлар союзининг 1965 йил ўтказган бешинчи съездидан сўнг ўтган даврнинг ичида бастакорларимиз бир қанча опера, балет, музикали драма, турли формадаги симфоник асарлар, кинофильмлар ва драматик саҳна асарлари учун музика, ашула, хор ва романслар яратдилар.

Булардан ёш композитор Рашид Ҳамроевнинг «Зулматдан зиё», Борис Зейдманнинг «Рус кишилари», Собир Бобоевнинг «Ёрил тош», Ҳамид Раҳимовнинг «Зафар», Иброҳим Ҳамроевнинг «Ойжамол» опералари, Мухтор Ашрафийнинг «Севги тумори», Икром Акбаровнинг «Лайли ва Мажнун», Сулаймон Юдаковнинг «Жонли аланга», Манас Левиевнинг «Сухайл ва Меҳр», Георгий Мушелнинг «Самарқанд афсонаси», Александр Берлиннинг «Сув ҳақида қисса» балетлари, шунингдек, юқорида тилга олинган таниқли бастакорларимизнинг қатор музикали драмаларини ҳам кўрсатиш мумкин.

Йирик симфоник асарлар яратиш, айниқса ёш композиторлар ижодида салмоқли ўрин эгаллаб келяпти. Йирик кўп овозли музикада ўзбек халқ музика интонациясини сақлаш ёки шунга яқинлаштириш йўлида ҳам анчагина тажрибалар қилиняпти. Бу соҳада ёш композитор Мирхалил Маҳмудов яратган симфония мақтовга сазовордир. Композитор Рашид Ҳамроев яратган симфония ҳам диққатга лойиқ.

Булардан ташқари, сўнгги икки съезд оралиғида композиторларимиздан Мутаваккил Бурҳонов, Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейига бағишлаб шоир А. Орипов шеъри асосида «Қасида», Мухтор Ашрафий «Жанговар қўнлар», Икром Акбаров «Поэма-баллада», «Ҳамса» вокал-симфоник поэмалари, Самарқанднинг 2500 йиллик юбилейига бағишлаб хор ва оркестр учун «Самарқанд ҳақида қасида», Сайфи Жалил Ғафур Ғулом шеъри асосида «Октябрнинг 50 йиллиги» вокал-симфоник поэмаси, Мардон Насимов Шайхзода шеърига «Октябрь» номли хор, солист ва оркестр учун баллада, Сулаймон Юдаков, Туроб Тўла шеърига «Висол» номли поэма каби, йирик симфоник асарлар яратдилар.

Союзнинг бешинчи съездидан кейин беш йил ичида қатор бастакорларимиз республика мукофотларига сазовор бўлдилар. Рашид Ҳамроев «Зулматдан зиё» операси учун, Мутаваккил Бурҳонов «Алишер Навоийга қасида»си учун, Мухтор Ашрафий «Севги тумори» учун, Юнус Ражабий «Шашмақом» китоби учун Ҳамза номидаги республика мукофотига, Олимжон Халилов «Бердақ» номли музикали драмаси учун Қорақалпоғистон автоном республикасининг Бердақ мукофотига, Энмарк Салихов эстрада қўшиқлари учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлдилар.

Композиторларимизнинг сўнгги йилларда қўлга киритган йирик ижодий меҳнатларини кўрсатиш билан бирга баъзи камчиликларни ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Пахта соҳасида йил сайин қўлга киритилаётган катта муваффақиятларимиз, доиздор пахтакорларимиз фаолиятини тўла гавдалантириб берувчи йирик музика асарлари деярлик йўқ. Кундалик замонабоп темани траннум қилишда ашула жанри катта аҳамиятга эга, аммо бу жанрда яратилаётган музика асарлари ниҳоятда оз.

Музика пропагандаси масаласи бизни доим ташвишлантириб келади. Ўзбек музика маданиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган филармония, радио, телевидение ва концерт-эстрада музика асарларини ташкил қилишни тубдан яхшилаш кундалик ва муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Бу соҳада Композиторлар союзининг пленум ва съездларида айтилган ҳақли талаблари ҳамон бажарилмай, жумбоқ бўлиб турибди.

Кеча ўз ишини бошлаган Ўзбекистон композиторлар союзининг навбатдаги олтинчи съезди, бастакорларимиз партиянинг халқимиз дидига мос музика яратиш борасидаги топшириқларини қандай бажараётганликларига ҳисоб бериш билан бирга, уларнинг келгусидаги ижодий ишлари учун янги режалар белгилайди.

И. АКБАРОВ,
музиканшунослик бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

МУЗИКА ИЖОДКОРЛАРИНИНГ ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон композиторларининг VI съезди 25 ноябрь куни Тошкентда ўз ишини бошлади. Съездни республика композиторлар союзи правлениесининг раиси А. Х. Жабборов қисқача кириш нутқи сўзлаб очди.

Юртдош бастакорларимизнинг асарлари концерт залларида, театрларида беш кун давомида ижро этилади. Ўзбек музика ижодининг ҳамма жанрларида яратилган асарлар — янги опералар, симфониялар, балетлар, қўшиқлар, сюиталар яна кенг, тингловчилар ҳукмига ҳавола қилинади.

Музика ижодкорларининг ҳисоботи катта симфоник концерт билан бошланди. Концертда кўпчиликка манзур бўлиб қолган ва эндигина битказилган асарлар янгради.

Шу кунларда Тошкент ва Самарқанд корхоналарида, олий ўқув юртларида, «Қизил Ўзбекистон» колхозида ўтказиладиган ижодий учрашувларда композиторлар ўз асарларини ижро этиб берадилар, келгусидаги режаларини ўртоқлашадилар. (ЎзТАГ).

„МАҚОМ“ КИНО ЛЕНТАЛАРДА

Яқинда Москвада бутун дунё халқларининг музика фольклори конгресси бўлиб ўтди. Бунда республикамиздан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшитириш Давлат комитетининг мақомчилар группаси қатнашди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳамза мукофоти лауреати академик Юнус Ражабий бошчилигидаги мақомчилар Чайковский номли концерт залида катта программада концерт берди. Концертда «Шошмақом»дан Бузрук мақомининг олтинчи таронаси, «Баёт соқийнома»си ва уфорилари ижро этилиб томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Суратларда: конгресс қатнашчиларидан бир группасини кўриб турибсиз.

Э. Муҳамедов фотолари.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13,00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17,55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Меҳнатимиз, илҳомимиз—беш йилликка». 18.25 — «Ахборот» информацион программаси. 18.40 — Автоматика қурувчилар хизматида. 19.10 — Владимир Крюков куйлайди.

Ўзбек тилида: 20,00 — «Ахборот» информацион программаси. 20.20 — Н. А. Некрасов туғилган кунининг 150 йиллиги олдидан. Адабий театр «Рус аёллари». 21.00 — Миллионлар ленинча университети. Ҳозирги замон босқичида КПСС нинг иқтисодий сиёсати. 21.15 — Концерт. 21,55 — Кўрсатувлар программаси.

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.30 — Нион кинофестивали қатнашчилари — меҳмонимиз (рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.40 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22,00 — «Социализм йўлида». 22,20 — Телефильм.

22.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Врач маслаҳати. 20,20 — «Тошкент таронолари» музикали кўрсатув. 20,50 — «Оғайнигарчилик ўз йўлида» (бадиий фильм).

Рус тилида: 21.55 — «Тўлқинда —02». 22.25 — «Бўш вақтларда» (фильм-концерт).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/XI да Аяжонларим. 27/XI да Олтин девор.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/XI да Лаҳма, 27/XI да Хотиннинг эри.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26, 27/XI да Оқар сувлар.

КИНО

Тимо Риннельтнинг ўғирланиши — «ВОСТОК» (кундуз ва кеч қуруқ), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3 ва деч соат 6, 8.45 минутда), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1,5 ва кеч соат 6, 9 да), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз 2, 5 ва кеч соат 8 да).

Россия империясининг тожи ёки яна қўлга тушмас қасосчилар ҳақида — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЧАПКА» (кундуз ва кечқуруқ).

Йўқолган банкнотлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «СПУТНИК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруқ).

Одиссея саргузаштлари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруқ), «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч соат 6 да).

Жиноят қидирув инспектори — «ҲАМЗА» (кундуз ва кечқуруқ).

Дунё (ўзбек тилида): — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруқ), «КЎКЧА» (кундуз соат 12, 3 ва кеч соат 8,45 минутда).

Симон Боливар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруқ).

Мен уни яхши билардим — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруқ).

Павиан қамоҳонаси афсонаси — «КЎКЧА» (кундуз соат 5 ярим ва кеч соат 7 да).

Б. Қ. Керимқуловнинг диссертация ёқлаши («Тошкент ҳақиқати» газетасининг 30 октябрь сонига қаралсин)
2 декабрга
КУЧИРИЛАДИ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети, Ўзбекистон КП Олмалиқ шаҳар комитетининг биринчи секретари В. М. Муҳамедовга рафиқаси
Муқаддас Миржалиловна
МУҲАМЕДОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон КП Олмалиқ шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари ижроия комитети Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. Муҳамедовга рафиқаси
Муқаддас Миржалиловна
МУҲАМЕДОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети жисмоний тарбия ва спорт бўйича область комитетининг раиси Н. Ж. Жадоловга опаси
Муқаддас Миржалиловна
МУҲАМЕДОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Спорт

„ПАХТАКОР“ КЕНИЯДА

Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари Сьерра-Леонедан Кенияга ўтдилар. Найроби шаҳрида мамлакат терма командаси билан учрашдилар. Ҳисоб 1:1. Майдон эгалари дарвозасига тўпни ўзбек футболчилари капитани Абдураимов киритди. Ҳамшаҳарларимиз Африкадаги бу мамлакатда яна иккита учрашув ўтказадилар.

СССР терма командаси футболчилари Ғарбий Германияда иккинчи ўйинни «Шальке—04» клуби билан ўтказдилар. Ҳисоб 0:0.

Ереваннинг «Арарат» командаси Ливанда «Хоммекмен» коллективи билан бўлган ўртоқлик учрашувини 4:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Бу ўйинда Маркаров учта тўп киритди. Ереван футболчилари Байрутда яна учта матч ўтказадилар.

Москванинг «Торпедо» командаси Италияга келди. Биринчи ўртоқлик учрашувида торпедочилар олий лиганинг «Верона» командасига 1:3 ҳисобида бой бердилар.

МЕҲМОНЛАР ҒАЛАБАСИ

«Юбилей» спорт саройида Тошкентнинг «Спартак» хоккейчилари Хабаровск шаҳрининг армия спорт клуби командаси билан икки марта куч синашдилар. Иккала ўйин ҳам меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди — 5:4 ва 8:2.

ДОВОН ОШИЛДИ

Тошкентда давом этаётган юз катаклик шашка бўйича мамлакат биринчилиги қатнашчилари мусобақанинг биринчи ярмини тугатдилар. Учинчи турда олти учрашув томонлардан бирининг ғалабаси билан тугади. Жаҳон чемпиони Андрейко Маншини, Шчеголев Ципесни, Корхов Шавелни, Могилянский Голосуевни, Абациев Ивановни таслим қилдилар. Ўзбекистон чемпиони С. Гуляев турнирда тўртинчи ғалабага эришди. Бу сафар у ленинградлик В. Вейцмандан очко олди. Иккинчи вакилимиз С. Давидов эса ҳамён дуранг қилишда давом этмоқда. Бу сафар у Л. Залитисга ярим очко «ҳадя» этди.

Мусобақанинг иккинчи ярми бошланиши олдидан А. Андрейко 7,5 очко (9 ўйиндан), М. Корхов 6,5 очко (10 ўйиндан) тўплади.

Е. ЧЕРКАССКИЙ.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҲАММАНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми жаҳон жамоатчилигининг зўр эътиборини жалб қилди. Пленумнинг иши тўғрисидаги хабарлар, пленум қабул қилган қарорлар чет эл матбуотининг саҳифаларида кўзга яққол ташланадиган ўрин эгалламоқда. «Партиянинг XXIV съездидан кейин КПСС Марказий Комитетининг халқаро фаолияти тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қилган доклад юзасидан пленум қабул қилган қарор хусусида айниқса кўп фикрлар баён этилмоқда.

ВАРШАВА. «Трибуна люду» КПСС XXIV съездидан кейин КПСС Марказий Комитетининг халқаро фаолияти тўғрисида пленум қабул қилган қарорнинг тўла текстини босиб чиқарди. Польшада чиқадиган бошқа газеталар ушбу ҳужжатни муфассал баён қилиб берди. Матбуот таъкидлайдики, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет Ҳукумати ленинча ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказиб келмоқдалар. Бу сиёсат жаҳондаги ишларда Совет Иттифоқининг юксак даржада обрўли бўлишини таъминламоқда, социализм, барча прогрессив кучларнинг халқаро позицияларини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Халқаро вазиятда халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги фойдасига бўладиган ўзгаришларга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳон социалистик ҳамдўстлиги, унинг бирлиги ва изчил тинчлик сиёсати халқаро сиёсатга таъсир кўрсатаётган жуда муҳим омилдир.

«Трибуна люду» мана шу сўзларни КПСС Марказий Комитети Пленумининг иши туғаганлиги тўғрисидаги хабарга сарлавҳа қилиб қўйган.

ПРАГА. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Марказий Комитет Сиёсий Бюросининг Европада кескинлик юмшатилишини таъминлашга, Европадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги принципларини бундан кейин ҳам амалга қўлланилишига қаратилган фаолиятига юксак баҳо берди, деб ёзади «Руде право».

БЕЛГРАД. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС ва Совет Ҳукумати ўтказиб келаётган ташқи сиёсатга юксак баҳо берди. Бу ташқи сиёсатда империализмга қаттиқ зарба бериш ва революцион озодлик ҳаракатини қуллаб-қувватлаш ҳамиша ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашини кўзловчи изчил йўл билан қўшиб олиб борилмоқда, деб ёзади «Политика» газетаси.

ПАРИЖ. «Юманите» газетаси партия XXIV съездидан кейин КПСС Марказий Комитетининг халқаро фаолияти тўғрисида Пленум қабул қилган қарорни баён қилиб. «Европада кескинликни юмшатиш, тинч-тотув яшаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принципларини Европадаги мамлакатлар амалда қўллаши ҳозирги халқаро муносабатлар асосий проблемаларидан биридир», — деб таъкидлайди.

РИМ. Италиянинг газеталари КПСС Марказий Комитети Пленумининг ишини шарҳлаб, пленумда кўриб чиқилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар муҳимлигини таъкидлайди.

(ТАСС).

ИНДИРА ГАНДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ. 24 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди парламентнинг халқ палатасида бугун сўзлаган нутқида Ҳиндистон ҳеч қачон Ҳиндистон ярим оролидаги вазиятни кескинлаштиришга, Покистон билан можаро чиқаришга интилган эмас, деди. Покистон фавқулодда ҳолат эълон қилганлигига қарамай, деди Индира Ганди, биз Покистоннинг бундан буёнги агрессив ҳаракатлари бизни шунга мажбур қилмаса, биз бундай қадамни қўйишни ўзимизга эп кўрмаймиз.

Сўнгра Индира Ганди айтдики, 21 ноябрь куни Покистоннинг бронетанк қўшинлари кучли тўп ўти паноҳида Ҳиндистон территорияси ичкарисига кириб бориб, мудофаа позицияларига ҳавф солди. Икки ўртада бошланган жанг натижасида Покистоннинг 13 танки мажақлаб ташланди, деди бош министр.

Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари Покистоннинг учта реактив қирувчи самолётини яксон қилгани сингари бу қуролли можаро ҳам маҳаллий характерга эга, деб таъкидлади Индира Ганди.

ШАРҚИЙ ПОКИСТОНДАГИ ЖАНГЛАР

ДЕҲЛИ, 24 ноябрь. (ТАСС). Бутун Ҳиндистон радиоси шарқий Покистоннинг турли районларида қўзғолончиларнинг «Мукти бахини» армияси партизанлари Покистон, мунтазам армиясининг қўшинлари билан жанг қилаётганлигини хабар беради. Жессор ва Рангпур шаҳарлари атрофида шиддатли жанглар давом этмоқда. Шарқий Бенгалияни озод қилиш учун курашаётган қўзғолончи кучлар Силхет округи ичкарисига ҳам кириб бормоқдалар. Бутун Ҳиндистон радиоси эълон қилган маълумотларга қараганда, Покистон армиясининг қисмлари Жессор ва Куштаи округлари районларида катагина территорияни аста-секин ўз назоратидан бой бериб қўймоқда.

ФИДЕЛЬ КАСТРОНИНГ ТАБРИКНОМАСИ

ГАВАНА, 25 ноябрь. (ТАСС). Ҳозир Гаванада ўрта ўқув юртлари ўқувчилари федерациясининг II миллий конгресси бўлиб ўтмоқда. Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, бош министр Фидель Кастро конгресс қатнашчиларига Чилидан табрикнома йўллади. Делегатлар ўтган даврда қилинган ишларнинг якунларини муҳокама қилмоқдалар ва келажак режаларини белгиламоқдалар. Федерация ўзининг революцион онги ва активлиги туфайли, деб таъкидланади табрикномада, ўқувчи ёшларнинг янги жамият кишисини тарбиялаш йўлидаги кундалик курашида муҳим кучга айланди.

Бош министр Куба йигит ва қизларини ўзларига ватанга садоқат ва қаҳрамонлик руҳини сингдиришга, билимларни тинимсиз ўрганишга ва бунёдкорлик меҳнатида қатнашишга чақиради. У II миллий конгресс Куба ёшлари сафларини янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдиради.

Конгресс қатнашчилари жавоб телеграммаси йўллаб, ўзларининг бутун кучларини ватанга хизмат қилиш ишига сарфлашга ахдупаймон қилганликларини билдирдилар.

Ватанпарварларнинг муваффақиятлари

ХАНОЙ, 24 ноябрь. (ТАСС). Озодлик матбуот агентлиги хабар беради: Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари ноябрь ойининг дастлабки ўн беш куни ичида Куангда вилоятида сайгон қўғирчоқ режими армиясининг 146 солдатини сафдан чиқарганлар. 21 та ҳарбий машинани яксон қилганлар, душманнинг битта ҳарбий эшелонини агдариб юборганлар.

Агентликнинг маълумотларига кўра, октябрь ойининг охири ва ноябрь ойининг бошларида Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Бенче ва Митхо вилоятларида аҳолига қарши жазо операцияларида иштирок этган душманнинг 450 нафардан ортиқ солдатини сафдан чиқарганлар.

АҚШ савдо министри Москвада

24 ноябрда АҚШ савдо министри Морис Стэнс СССР нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министри В. С. Федоров билан учрашди. Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати соҳасида илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига доир фикрлашув бўлди.

Шу куни М. Стэнс СССР Ташқи савдо банкига бориб, шу банк правлениесининг раиси Ю. А. Иванов билан суҳбатлашди.

Суратда: моддий манфаатларини яхшилаш учун Сань-Сальвадорда намойиш уюштирган ўқитувчиларни кўриб турибсиз.

ТАСС фотохроникаси.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р—14605 ИНДЕКС 64697. А—1874.